



Аста-секинлик билан шохнинг кочиши уни собик буюк давлатнинг чегарасига — Марвга олиб келди (Сарой хонандаю созандалари, раққосалари билан кочиб юрган). У ерга кам қолган хазина ва катта кутубхонасини олиб келган эди. Марзбон Махуйе Яздигирдни яхши кутиб олди, аммо кўпчилик ўрта аср тарихчилари унинг итоаткорлиги чин дилдан бўлмаганини таъкидлашади: марзбон шох хазинасига эга бўлишни хоҳлар эди. Саройга таклиф қилинганлар орасида турк шахзодаси Бижон-Тархан ҳам бор эди (араб тарихчиларида Низак-Тархан), у ўз қўшини билан ёрдам кўрсатган эди. Шох уни катта ҳурмат билан қабул қилди, аммо турк унинг кизини ўзига хотин қилиб беришни сўраганида, шох газабланди. "Сен менинг қулларимдан бир қулсан, — деб ёзади у, — менга совчилик қилишга қайси жасоратинг етди?" Махуйе Бижон-Тарханнынг газабини кўзгатиб, шохнинг мактубини шундай изоҳлади: "Бу ўша киши, сен унга ёрдам қилдинг ва унинг салтанати қайтишига ёрдам бермоқчи эдинг, у эса сенга шундай ёзди". Улар уни ўлдиришга қилишиб олдилар.

Турклар шохнинг оз сонли кўрикчиларини ҳужум қилиб уларни қириб ташлади. Яздигирд Марвга шошилди, аммо марзбон унинг олдида дарвозаларни ёпишни буюрди. Тинчимаган шох шаҳарнинг четидаги бир тегирмонда тунга қолишга қарор қилди ва тегирмончидан уни яширишни сўради. Тегирмончи тўрт драхма ҳақ тўланса, тегирмон эшигини очиб беришини айтди. Шох пулни берди ва қирди. Аммо ўша кеча, тегирмончи Махуйенинг муқофотига ёки шохнинг хазинасига ўч бўлиб, меҳмон — Сосоний шохини ухлайётган пайтда сўйиб ташлади ва жасадни ариқка ташлаб юборди.

Яздигирднинг дафн маросимини ва унинг жасади учун макбара қурилишини Марв

якинида несториан епископ Илия ташкил килди — шахнинг бобоси Ширин насроний эди. Махуйе шохнинг ўлдирилишига алоқадорлиги учун Бижон-Тарханнинг турклари унинг кўл ва оёқларини кесиб ташладилар, кулок ва бурунларини кесишиб, уни куёшда ўлимга ташлаб кетдилар. Кейин Махуйенинг жасади уч ўғли билан бирга ёндирилди.

Шу билан Сосонийлар сулоласининг буюк тарихи шундай тугади.

Тарихий манбаларда ўша даврда Хуросонда рўй берган воқеаларнинг бир неча талкинлари мавжуд. Масалан, Ат-Табарий хикоя киладики, Яздигирд Марвни араблардан кўлга киритгандан сўнг, турклар ва сугдлар кўшинларини ёрдамга чакирди, лекин араблар уларни маглубиятга учратдилар. Яздигирд туркларга ёки Хитойга кочишни ният килган, лекин унинг кўшини уни кувиб юбориб, подшоҳлик хазинасини мусулмонларга топширган ва Исломни қабул килган. Кочган шох тегирмонга паноҳ топди, аммо у ерда уни кувиб келган отликлар тутди ва ўлдириб, жасадини ариқка ташладилар. Яздигирднинг ҳукмдорлиги 20 йил давом этди, шундан тўрт йили тинчликда ўтди, колган 16 йили эса араблар билан кийинчиликли курашларга тўлди. У Ардаширнинг авлоди бўлган сулоланинг сўнгги шохзодаси эди, ундан кейин эса ҳокимият арабларга (мусулмонларга) ўтди.

Абу Муслим тайёрлади